

“ФУТУҲ АЛ-БУЛДОН” АСАРИНИНГ ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИДА ТУТГАН ӮРНИ

Бобуржон Толибов ¹

Дилдора Нишанова ²

Аннотация. Ушбу мақоланинг асосий мақсади Аҳмад ибн Яхё ал-Балазурийнинг "Футуҳ ал-булдон" асарини таҳлил қилиб, унинг манбаларини аниқлаш ва ташхислаш жараёнидаги аҳамиятини хусусийлаштиришдир. Асар VIII-IX аср илм-маданияти контекстида тарих ҳақидаги билимларни олишимизни таъминлайди. Тарихчилар, ҳуқуқи сифатида, воқеаларни асосан муҳаддислар каби ровийлар самедида келтиришлари, тарихий маълумотларнинг ишончилигида ровийлар исмлари ва уларнинг иловалариги такрорлови муҳим анжуман ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳадис илмидаги "илм ар-рижол" ва "жарҳ ва таъдил" атамалари ровийларнинг ишончилиги ва тарихий маълумотлар ишончини баҳолаш учун хизмат қилади.

Калит сўзлар: Аҳмад ибн Яхё ал-Балазурий, Футуҳ ал-булдон, манба, тарих, ислом, ровийлар, санад, илм ар-рижол, жарҳ ва таъдил, VIII-IX асрлар, тарих илми, мавзу.

Кириш.

Ҳар қандай асар манбаларини аниқлаш унда келтирилган маълумотларнинг кадр-қимматини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ушбу ўрганилаётган манба ҳам ўз давридаги илмий муҳит ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот беради.

Аҳмад ибн Яхё ал-Балазурийнинг —Футуҳ ал-булдон асари VIII-IX аср илмий-маданий ҳаёти, тарих илмининг ҳадис илми билан боғлиқ жиҳатларини ёритиб беради. Бу давр тарихчилари воқеаларни баён қилганида муҳаддислар каби ровийлар санади ва мавзуга тааллуқли бўлган барча ривоятларни келтиргани кузатилади. Манбага кўра бирор тарихий ҳодиса ҳақида хабар берувчи шахсларнинг исмлари матнда келтирилиши ўша маълумотнинг ишончли ёки ишончсизлигини белгиловчи мезон ҳисобланади. Масалан: ҳадис илмидаги —илм ар-рижол ва —жарҳ ва таъдил атамалари ровийлар санадининг қай даражада ишончли эканлигини ўрганади.

Илк ўрта аср манбаларида иснодларни тўлиқ келтиришдан ташқари, айрим ўринларда мухтасар услубдан ҳам фойдаланилган. Бу амалий жиҳатдан дастлаб Муҳаммад ибн Шихоб аз-Зухрий ва Муҳаммад ибн Исҳоқ ривоятларида кузатилган. Ал-Балазурий асарида ҳам ровийлар санадларини қисқартириб келтириш ҳолатлари кўзга ташланади. У ровийларни умумий ном билан: —Менга ҳадис, сийра ва футуҳ илми эгаларидан бир жамоа хабар берди. Уларнинг сўзларини айнан келтирдим ёки —^{الل} (айтадилар) шаклида қайд қилган. Бунинг сабаби IX аср иккинчи ярмида муҳаддислар орасида тарихий мавзуда сўз юритувчи ровийлар ҳақида бир фикрга келинган эди. Айниқса, Ал-Воқидий ва Абу Махнаф сингари муаррихлар исноди

¹ Ориентал университети 1-босқич магистранти

² Ориентал университети доценти в.б., PhD



заифлиги ёки мадиналик муҳаддислар исноди ишончли бўлиши ҳақидаги мулоҳазалар эътиборли ҳисобланган. Шу билан бир қаторда тарихчилар ўртасида умумий тарзда ишончли эканлиги эътироф этилган ҳодисалар бўлиб, уларда ровийлар санади келтирилмаган ва —^ا (айтадилар) калимасидан сўнг воқеа тафсилотига киришилган²¹⁷.

Аҳмад ибн Яҳё ихтисор, яъни қисқартириш услубидан барча тарихчилар томонидан ривоят қилинган, тўғрилигига асло шубҳа бўлмайдиган ҳодисалардагина фойдаланган. Масалан: 629 йилда Расулulloҳ (с.а.в) Хайбарни фатҳ қилганликлари, ундан сўнг Фадак, Водил-қуро, Таймо минтақаларига борганликлари, —Худайбия сулҳининг шартлари каби ўринларда ал-Балазурий ровийлар санадини келтирмай, —^ا (айтадилар) шаклида маълумот берган. Бу воқеалар ўз даврида муҳаддис ва тарихчилар ўртасида ихтилофли бўлмаганлиги учун муаллиф ровийлар санадини келтирмаган.

Ал-Балазурий тарихий воқеаларни ёритишда Исмоил ибн Айёш (108/726-181/797), Абдурахмон ал-Авзой (88/707-157/774), Абу Бакр ибн Айёш (95/714-193/809), Бакр ибн ал-Ҳайсам (201/816-317/929), Ҳасан ал-Басрий (21/642-110/728), Ҳусайн ибн Али ибн Асвад ал-Аъжалий (ваф. тахм. IX аср), Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/783), Ибн Аби Заъб (80/699-159/775),

Абу аз-Зинод (65/685-130/748), ибн Шихоб аз-Зухрий, Ибн Аби Сабра (ваф. 162/779), Саид ибн Абдулазиз Абу Муҳаммад ат-Танухий (ваф. 166/783), Саид ибн Аби Марям (144/761-224/839), Шарик ибн Абдуллоҳ ан-Нахой (95/713-177/794), Шайбон ибн Абу Шайба ал-Ҳабатий (140/757-236/850), Аббос ибн Ҳишом ал-Калбий (ваф. тахм. IX аср), Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Муслим ал-Ажалий (182/798-261/874), Лайс ибн Саъднинг котиби Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Мисрий (137/755-223/838), Абдуллоҳ ибн ал-Муборак (118/739-181/798), Абдуллоҳ ибн Ваҳб ал-Мисрий (125/743-197/812), Абдурраззоқ ибн Ҳаммом ас-Санъоний (126/744-211/827), Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанно (110/728-209/824), Амр ибн Муҳаммад ан-Ноқид (ваф. 232/849), Аввона ибн ал-Ҳакам (ваф. 147/764), Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом (157/774-224/838), Абу Махнаф Лут ибн Яҳё, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Муҳаммад ибн Соиб ал-Калбий (ваф. 146/763), Ал-Воқидийнинг котиби Муҳаммад ибн Саъд, Абулҳасан ал-Мадоиний, Ҳишом ибн ал-Калбий (110/729-204/820), Ҳайсам ибн Ади ат-Тоий (ваф. 207/822), Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидий, Вакий ибн ал-Жарроҳ (128/746-196/812), Яҳё ибн Одам (ваф. 203/818), Абдулмалик ибн Қориб ал-Асмаий (123/741-216/831) каби муҳаддис ва тарихчилардан ривоят қилган.

—Футуҳ ал-булдон асаридаги ровийлар қаторида мовароуннаҳрлик Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмий ҳам зикр қилинади. У Вакий ибн ал-Жарроҳ Руосий ва Савид ибн Саид ал-Ҳаравий (ваф. 240/855)дан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Аҳмад ал-Балазурий ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ад-Динаварий (ваф. 288/901) ҳадис эшитган. Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмийнинг ал-Балазурий ва ад-Динаварий каби Яқин Шарқ худудида яшаган муҳаддисларга устоз бўлганлиги марказий осеълик алломаларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссасига яна бир далилдир. Шу билан бирга, ал-Балазурийга устозлик қилган Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Мисрий, Саид ибн Абу Марям каби муҳаддислар Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (194/810-256/870) ва Муҳаммад ибн Исмоил ат-Термизий (ваф. 280/893) сингари ҳадис илми ривожига катта ҳисса қўшган мовароуннаҳрлик муҳаддисларнинг ҳам устози бўлган.

Нур Саъд Муҳсин (1980 йил туғилган) —Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий ва унинг —Футуҳ ал-булдон асари номли мақоласида асарда энг кўп ривояти келтирилган ровийлар сифатида кўплаб муҳаддисларни келтиради.

Ал-Балазурий энг кўп ривоят қилган киши устози Ҳусайн ибн Али ибн Асвад ал-Ажалий бўлиб, ундан 82 та ривоят келтирган. Уларнинг аксари Нажрон аҳли ва Миср, Ироқ, Жазира, Шом худудлари бошқаруви ҳақида маълумот беради. Ал-Балазурий устозларининг иккинчи



даражасида Муҳаммад ибн Саъд бўлиб, ундан 68 та ривоят нақл қилинган. Унинг ривоятлари Макка ва Мадина тарихи, Шом, Жазира, Нубия, Мағриб каби мамлакатларнинг фатҳ этилиши мавзусига алоқадор бўлиб, Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидийдан ривоят қилинган. Муҳаммад ибн Саъддан кейинги даражадаги ровий Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом бўлиб, ундан ал-Балазурий 62 та ривоят келтирган. Ривоятлар иқтисодий масалага тааллуқли бўлиб, хирож ва жизя ҳукмлари ҳамда ерларни икто шаклида мулк қилиб бериш масалалари ёритилган²²⁵.

—Футуҳ ал-булдон¹ асарида ровийлар қаторида давлат амалдорлари, жумладан, халифалар ва қозиларни ҳам кўриш мумкин. Ал-Балазурий Аммурия ғазоти ҳақидаги ривоятни халифа Мутаваккил (847-861)дан, у эса отаси ал-Муътасим (833-842)дан нақл қилган. Мазкур маълумот тарихчининг давлат раҳбарлари билан яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Аҳмад ибн Яҳё баъзи маълумотларни шаҳар қозиларидан ривоят қилган. Хусусан, Хубайб ибн Маслама (ваф. 42/662)нинг Урмания шаҳарларидан Қоликулани фатҳ қилганлиги тўғрисида бир неча ривоятни келтириб, улардан биринчиси ишончли эканлигини, чунки уни Қолиқула шайхларидан бир жамоа ва шаҳар қозиси сўзлаб берганлигини айтган.

Тарихчи ривоят қилган ровийлар фақат устозларидан иборат бўлмаган. Айрим ҳудудлар тарихида ўша ерлик муҳаддислар ривоятларидан ҳам фойдаланган. Асарда келган —Менга куфалик шайх сўзлаб берди, —Менга ҳиралик шайх сўзлаб берди, —Менга бағдодлик шайхлар сўзлаб берди,

—Менга Басра аҳлидан бир жамоа сўзлаб берди, —Менга ҳумслик шайх сўзлаб берди²³⁵, —Менга Антокия шайхлари сўзлаб берди каби жумлалар ал-Балазурий тарихий воқеалар тафсилотида турли ҳудудларга мансуб муҳаддислар ривоятидан истифода қилганлигини англатади.

Аҳмад ибн Яҳё баъзи воқеаларни баён қилганида унда иштирок этган шахсларнинг сўзларидан ҳам фойдаланган. —الضَّعْدَ (бир кишидан эшитдим) бирикмаси билан бошланган жумла ушбу туркумдаги ривоятга мисол бўла олади. Абул-Аббос ас-Саффоҳ (750-754) даврида Қайрувон шаҳрининг Муҳаммад ибн Ашаъас ал-Хузойй томонидан эгалланиши, у ердаги Умавийларга тарафдор қўшин билан кечган зиддиятли жараёнлар тарихий воқеада иштирок этган шахс томонидан нақл қилинган. Муаллиф турли ҳудудларга мансуб муҳаддислар ва тарихий воқеада иштирок этган шахсларнинг ким бўлганлиги ҳақида тўхталиб ўтмаган. Ал-Балазурий китобда ровийлар ва уларнинг ривоятлари даражаси тўғрисида ҳам маълумот берган. Ишончли ривоятларга —Биринчи хабар кейингиларидан ишочлироқ, —Хабарларнинг энг собити шу, —Унинг гувоҳлиги ишончли каби жумлалар билан муносабат билдирган. Тўғрилигига ишонч ҳосил қилмаган ривоятларида тугал фикр айтмайди ва—الْعُذُورُ (Аллоҳ билувчидир) лафзини келтиради.

Аҳмад ал-Балазурий —Футуҳ ал-булдон¹ асарида ривоят қилинган ровийларнинг асарлари ҳақида тўхталиб ўтмаган бўлса-да, тазкира китобларидан уларнинг қолдирган илмий мероси ҳақида маълумот олиш мумкин. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Ваҳб ал-Мисрийнинг —Ал-мағозий ва

—Ар-ридда, Абдураззоқ ас-Санъонийнинг —Мусанниф Абдураззоқ, —Ал-амолий фи осор ас-саҳоба, —Ал-мағозий, Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанна ал-Басрийнинг —Футуҳу Урмания ва —Футуҳу Ахваз, Абу Убайд ал-Қосим ибн Саломнинг —Ал-Амвол, Лут ибн Яҳёнинг —Футуҳу Шом,—Футуҳ ал-Ироқ, —Китоб ал-Жамал, —Китоб ас-Сиффин —Китоб ан-Наҳравон, —Мақтал ал-Хусайн¹ «китаб ал-Азорика, Муҳаммад ибн Исҳоқнинг «китаб ас-сийра вал-мубтадо вал-мағозий, Муҳаммад ибн Саъднинг «китаб ахбор ан-Набий, —Тобақот ал-кабир, Абулҳасан ал-Мадоинийнинг «китаб футуҳ¹, «китаб ахбору Курайш, —Ахбору аҳл ал-байт, —Тарих ал-хулафол¹, —Ахбор ал-Ҳажжож, Ҳишом ал-Калбийнинг



—Жамҳарат ан-насаб||, «китаб ал-Булдон||, «китаб ал-Ақолим|| ва бошқа асарлари, Аввона ибн ал-Ҳақамнинг —Ат-Тарих|| ва —Сийрату Муовия ва Бану Умайя, Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидийнинг —Ал-Мағозий, —Футуҳ ал-Ироқ, —Футуҳ аш-Шом каби асарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ал-Балазурийнинг —ادضت (менга сўзлаб берди), —الاي (менга айтди) каби лафзлар билан нақл қилиши воқеалар тафсилотини ёзма манбадан эмас, балки устозларидан эшитиш орқали қўлга киритганини исботлайди. Лекин тарихчи баъзи ўринларда —الاي (Хишом ал-Калбий айтади) ёки —الاي

الالضن (Ал-Воқидий айтади) каби жумлалардан сўнг воқеаларни баён қилган. Бу ўринда ровийлар санадининг келтирилмагани ва Ал-Балазурий бевосита эшитганини билдирувчи —ادضت (менга сўзлаб берди), —الاي (менга айтди), —ادضت (бизга сўзлаб берди) каби жумлалар қўлланмай —الاي (айтди) ёки —اطور (зикр қилди) лафзидан сўнг ровийнинг исми келтирилиб воқеанинг баён қилиниши Аҳмад ибн Яҳё ёзма манбадан ҳам фойдаланганини билдиради.

Абдулазиз ад-Даврий асарида ал-Воқидий, Абу Махнаф ва ал-Мадоиний асарларидан келтирилган парчалар ҳам —الاي (айтди) жумласи билан бошланган. Аҳмад ибн Яҳё мазкур жумлалар воситасида Хишом ибн ал-Калбий, Абдулмалик ибн Қариб ал-Асмабий, Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанна, ал-Воқидий, Яҳё ибн Одам, Аввона ибн Ҳақам, Абулҳасан ал-Мадоиний, Муҳаммад ибн Саъд, Абу Махнаф каби тарихчилардан нақл қилган. Шу билан бирга, уларнинг маълумотларини таҳлил қилиб, энг ишончлисини келтирган.

Тарихчи бошқа манбалардан олинган маълумотларни сўзма-сўз келтириб қўймай, балки қисқартма шаклда, улардан асосан хулоса ва натижаларга урғу берган ҳолатда фойдаланган. Бу ҳолатни —Футуҳ ал-булдон|| ва Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидийнинг —Футуҳ аш-Шом|| асарини қиёслаш орқали кўриш мумкин. —Футуҳ ал-булдон||да Шом ҳудудига кирувчи Дамашқ, Фаластин, Бусро, Ҳумс, Қиннисрин, Ажнадин ва Бусро ҳудудларининг фатҳ этилиши мавзуси ал-Воқидийнинг —Футуҳ аш-Шом|| асаридаги маълумотлар билан мувофиқ келса-да, воқеаларни ихчам шаклда ёритганлиги ва тафсилотларни келтирмаслиги билан ажралиб туради. Муаллиф бу ўринда такрор маълумотлардан қочган ва асосий эътиборни янги маълумотларга қаратган.

Тарихни ўрганишда ёзма манбалар билан бирга тарихий ҳужжатлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улардан муайян давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид аниқ ва ишончли маълумотларни олиш мумкин. —Футуҳ ал-булдон||да муаллиф айрим ўринларда девон ҳужжатларидан фойдаланганини айтган. Хусусан, Миср жанубида жойлашган қадимий минтақа – Нубиядан қанча миқдорда солиқ олиниши мавзусида тарихчи ўзида мавжуд девон ҳужжатларидан маълумот топа олмаганлигини ва уни Миср девонидан топганлигини айтган.

Демак, —Футуҳ ал-булдон асари манбаларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Муҳаддис ва тарихчи ровийлардан келтирилган ривоятлар;

Ал-Балазурий аксар ўринларда воқеани ривоят қилган ровийлар санадини келтирган. Фақат баъзи ўринларда, тарихчилар орасида ишончли эканлиги маълум бўлган ҳолатларда, ровийлар санадини келтирмай —الاي (айтадилар) шаклида маълумотни баён қилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида ал-Балазурий ҳадис ривоят қилган устозлари ичида ўрта осиелик Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмий каби муҳаддислар ҳам бўлгани аниқланди. Асарда Ҳусайн ибн Али ибн Асвад ал-Ажалий, Муҳаммад ибн Саъд, Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом каби ровийларнинг ривояти кўп ўринларда келтирилган. Тарихчи муҳаддислардан ташқари халифа ва қозилардан эшитган ривоятларини ҳам нақл қилган.

2. VIII аср охири ва IX асрда ёзилган тарихий манбалар;

Муаллиф асарда қайси манбадан фойдалангани ҳақида маълумот бермаган бўлса-да, унинг воқеаларни баён қилишдаги услуби китобни ёзиш жараёнида манбаларга мурожаат қилинганини



билдиради. Ал-Балазурий бошқа манбадаги бирор мавзуни ёритишда маълумотларни тўлик келтирмай, қисқача мазмун ва хулосаларни нақл қилиш билан кифояланган. Воқеага тааллуқли бўлган тафсилотларни баён қилмаган. Шу билан бирга муаллиф тарихий ҳужжатлардан ҳам фойдаланган.

3. Тарихий воқеада иштирок этган шахслардан нақл қилинган ривоятлар;

Юқорида санаб ўтилган манбалардан ташқари муаллифнинг ўзи яшаган даврда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ал-Балазурий Аббосийлар саройида яшаб, фаолият юритгани унга IX асрдаги Аббосий халифаларнинг давлат бошқаруви ва араб халифалигидаги ички вазиятдан яхши хабардор бўлиш имконини берган. У фақат Аббосийлар таъсири остида бўлган Хуросон, Мовароуннаҳр, Яқин Шарқ, Кавказ ва Миср ҳудудларидаги сиёсий вазиятни эмас, балки халифалик таркибидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан Шимолий Африкадаги Аглабийлар ва Андалусиядаги Умавийлар давлатида юз берган воқеа-ҳодисалардан ҳам хабардор бўлган. Мана шу эътибордан тарихчининг ушбу асари аҳамиятли ҳисобланади.

—Футуҳ ал-булдон асарига турли манбалар асос бўлгани ва муаллиф томонидан ўз даврида юз берган тарихий жараёнлар китобда акс этгани ал-Балазурий ижодининг қай даражада муҳим эканлигини кўрсатади. Айни пайтда тарихчининг воқеаларни баён қилишда муҳаддислар услубидан фойдалангани асарнинг ишончли манбалардан бири эканлигига етарли далилдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ryan J. Lynch. Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. – London: Bloomberg.
2. Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Муассаса ал-маориф, 1987. – Б. 8.
3. Абдулазиз ад-Даврий. Нашъату илм ат-таърих инда ал-аъроб. – Абу Даби: Маркау зайид лит-турос ва ат- таърих, 2000. – Б. 57
4. Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Ҳиббон. Китоб ас-сиқот, VIII жуз. – Ҳайдаробод: Даирот ал-маориф ал-
5. Ибн ан-Надим. Ал-Фихрист. – Байрут: Дар ал-маърифат, 1997. – Б. 145.

